Тошкент оқшоми

2016 ЙИЛ 21 ОКТЯБРЬ, ЖУМА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 216 (13.279)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2016 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

I. Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 15 январда бўлиб ўтган мажлисида белгилаб берилган 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари изчил амалга оширилиши ва пухта ўйланган макроиқтисодий ҳамда фаол таркибий сиёсатнинг давом эттирилиши жорий йилнинг тўққиз ойида мамлакатимизда юқори иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш имконини берди.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 7,8 фоиз, саноат ҳажми 7,2 фоиз, қишлоқ хўжалиги ҳажми 6,4 фоиз, чакана савдо айланмаси 14,2 фоиз ўсди.

Юқори иқтисодий ўсиш суръатларига ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси, давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,1 фоиз профицити ва 2,2 фоизни ташкил қилган инфляция даражасининг пастлигини ифода этган макроиқтисодий барқарорликни сақлаш орқали эришилди.

Саноатни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилиш жараёнларини чуқурлаштиришга оид фаол инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажмининг 9,4 фоиз ва пудрат-қурилиш ишларининг 15 фоиз ўсиши имконини берди.

Жорий йил бошидан буён 2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури доирасида 9 мингта янги сервис объекти ташкил этилгани шу йилнинг тўққиз ойида кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 12,4 фоиз ва ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар улушини 2015 йилнинг шу давридаги 51,2 фоиздан 51,7 фоизгача ошириш имконини берди.

2016 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари

(2015 йилнинг шу давридагига нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръатлари
Ялпи ички маҳсулот	107,8
Саноат	107,2
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	106,4
Жами хизматлар	112,4
Чакана савдо айланмаси	114,2
Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми	109,4

Шу йилнинг тўққиз ойида саноат маҳсулотлари кўпайишининг асосий қисми қайта ишлаш саноати тармоқлари томонидан таъминланди. Саноат маҳсулотларидаги уларнинг улуши 2015 йилнинг шу давридаги 78,2 фоиздан 79,7 фоизга ошди.

Хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида товар ишлаб чиқарадиган тармоқларда саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш суръатларига эришилди. Хусусан, тўқимачилик буюмлари, кийим ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш 114,8 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари 113,7 фоиз, фармацевтика маҳсулоти ва препаратлари 123,7 фоиз, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари 134,1 фоиз, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш 112,9 фоиз ошди.

Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва тайёр истеъмол товарлари турини кенгайтириш мақсадида истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг технологик ускуналар харид қилиши ҳамда айланма капиталини кўпайтириши учун тижорат банклари 4,4 триллион сўмлик кредит маблағлари ажратди. Тайёр тикувчилик-трикотаж маҳсулотларининг 57 янги тури ва 141 моделини, 80 дан зиёд турдаги янги дори препаратларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

2015 – 2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан саноат маҳсулотларининг 50 дан ортиқ янги тури, жумладан, нефть-газ-кимё ускуналари, конвейер ускуналарининг эҳтиёт қисмлари, автомобиллар спидометри, электр печлар, сув тўплайдиган электр иситгичлар, спорт тренажёрлари, болалар велосипеди ва самокатлари ҳамда бошқа тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

2016 йилнинг тўққиз ойида Маҳаллийлаштириш дастури доирасида қиймати 4091,7 миллиард сўмлик маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва ўсиш 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,5 баробарни, импорт ўрнини босиш самарадорлиги 1,3 миллиард долларни ташкил қилди.

Молия-банк тизими барқарорлигини таъминлашга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида шу йилнинг тўққиз ойида банклар умумий капитали 22,8 фоиз, уларнинг активлари 25,5 фоиз, банклардаги депозитлар 27,5 фоиз кўпайди. Натижада тижорат банклари маблағлари ҳисобидан иқтисодиётга кредит ажратиш ҳажми 25,7 фоиз ўсди. Бунда ажратилган банк кредитлари умумий ҳажмининг қарийб 80 фоизини инвестиция мақсадлари учун узоқ муддатли кредитлар ташкил қилди.

(Давоми 2-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

“Она тилимизнинг азалий ҳақ-ҳуқуқлари тикланган, ҳақиқий ўзбекона урф-одатларимизнинг ҳаётдан ўрин олаётгани, қадриятларимизнинг ўз ўрнини топаётгани ҳам одамлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда”.

Бу – Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йил чоп этилган “Ўзбекистон – келажаги буюк давлат” китобидан.

21 октябрь – “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган кун



МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг жасорати ва фидойилиги билан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 27 йил тўлди

Дарҳақиқат, мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов истиқлол сари элтувчи йўлда халқимиз давлат тилига эга бўлишини муҳим қадам деб ҳисоблаган. Шу боис 1980-йилларнинг охирида республикада кечаётган оғир иқтисодий шароитга қарамай жасорат билан тилга, маънавият масалаларига катта эътибор қаратган.

Тил – миллат кўзгуси, инсон ўзлигини идрок этишининг асоси, ўзаро муомала ва алоқа воситаси.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 27 йил тўлди. Туғилган чақалоқ бир-икки ёшда тили чиқишини инобатга олсак, ўз она тилида эмин-эркин гаплашиб, она тилида таълим олаётган, уч-тўрт тилда бемалол сўзлаша биладиган мустақиллик фарзандлари қиёфасида тилимиз балоғатга етганини англаш мумкин. Неча йиллар мобайнида эътиборсиз қолган тилга давлат тили мақоми берилиб, унинг муомалага, халқимизга қайтиши қонун билан тасдиқлаб қўйилди.

Тарихдан маълум: юртимизга эгалик қилиш илинжида келган истилочилар ишни аввало тилимизни бузишга уринишдан бошлаган. Генерал М.Скобелев “Миллатни йўқ қилиш учун уни қириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди”, қабилидаги гапни очиқча айтишдан тортинмаган. Бундай ёвуз қарашлар оқибатида бир асрдан ортиқ истибдод даврида халқимизнинг маданияти, маънавияти, маърифати ва бу тушунчаларнинг ўзаги бўлмиш тилимиз оғир кўргиликларни бошидан кечирди.

– Инсон кўп нарсага чидайди: совуққа, иссиққа, очликка, йўқчиликка... Лекин маънавияти топталишига чидаши қийин, – дейди меҳнат фахрийси Халтура Базаров. – Ўйлаб қарасам, собиқ тузум даврида маънавиятимиз деярли оёқости қилиб бўлинган экан. Масалан, исмимни олайлик. Аслида исмим Холтўра бўлиши керак. Ота-онам яхши ниятлар билан шу исмни қўйган. Лекин ўша пайтда гувоҳнома ёзганлар менга ана шундай бир умрлик “совға” қилишган. Боз устига, фамилиямни ҳам хато ёзишган. Оқибатда, мана, 80 йилдан бери ҳужжатларда Халтура Базаров бўлиб юрибман. Ҳа, бу каби “ноёб” исмга эга инсонлар кўплаб топилади. “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилинишида бу ҳолатлар инобатга олинган. Қонуннинг 25-моддасида “...Исмлар, ота исми ва фамилияларининг ягона тўғри шакли махсус маълумотномаларда қайд этилади. Ўзбекча исмлар, ота исми ва фамилияси... уларнинг асл ёзилиш хусусияти сақлаб қолинади”, деб таъкидланган.

– Мен отам исмимни ёздираётганда Кушкар деб айтганига умуман ишонмайман, – дейди ўқитувчи Кўчқор Абраев. – Аслида отам Қўчқор деган бўлиши керак. Лекин улар шундай ёзишган. 2000-йилда исмимни ўзгартирдим. Абдулла Авлонийнинг “Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган оинайи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур”, деган сўзлари бугун ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Мустақиллик йилларигача фуқаролик гувоҳномаларига исмларнинг бузиб ёзилиши ўзга тилга тобеликми ёки унинг соясида қолиб кетишми ё “миллат руҳини йўқотиш”ми?!

– Ота-онанинг дунёга келган фарзанд олдидаги бурчларидан бири унга чиройли исм қўйишдир, – дейди дурадгор Тоҳир Турдиев. – Туғилганлик ҳақидаги гувоҳномамга “Тахир” деб ёзилган. Ўзбек тилида тахир – аччиқ, нордон деган маъноларни беради. Энди ўйлаб кўринг, қайси ота-она фарзандига шунақа исм қўяди. Бу гувоҳномани ёзиш пайтидаги масъулларнинг “хизмати”. Уларга “нега имловий хато ёзяпсан, ўзбекча исм бунақа ёзилади”, деб гапириш ҳам мумкин бўлмаган. Шу гапдан ҳам миллатчилик айбини ахтарадиганлар топилган.

Бугун халқимиз мустақил, тилимиз эркин. Бироқ айрим юртдошларимиз, айниқса, ёш ота-оналар фарзандига ҳамён ажнабий исмлар бераётгани таассуфлидир. Ёки баъзи хорижий исмларнинг миллий талқинини англаб-англамай фарзандига қўяётган ота-оналар ҳам бор. Айтайлик, Семора исми айтилиш ва ўқилиш жиҳатидан чиройли. Лекин энди унинг маъносига эътибор беринг: се – уч, мор – илон. Яқинда тарқалган хабарга қараганда, ҳамюртларимиздан бири фарзандига Неймар деб исм қўйибди. Фанатизм асрий қадриятлару эътиқоддан ҳам устун келган чоғи фарзандига мана шу исмни раво кўрибди. Жумонг, Ишани, Месси, Чингачук, Тангем каби исмлар қўйган ота-оналар ҳақида ҳам эшитган эдик. Тўғри, ҳар бир одам фарзандига исм қўяётганда кимнидир идеал сифатида қабул қилиши мумкин. Лекин ўзимизда намуна олишга арзийдиган исмлар камми?!

(Давоми 2-бетда)

Сайлов – 2016

ПУХТА ТАЙЁРГАРЛИК – ЮҚОРИ САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

2016 йилнинг 20 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи участка сайлов комиссиялари фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларига бағишланган республика онлайн семинар-тренинги ўтказилди.

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари аъзолари, депутатлар, олим ва мутахассислар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов сайлов кампаниясининг барча тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Асосий тадбирлар дастурига мувофиқ ўтказилаётганини таъкидлади. Сайлов комиссиялари ўз фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, адолатлилик каби тамойиллар асосида амалга оширмоқда.

Сайлов кампаниясида участка сайлов комиссияларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Қонунчилигимизга кўра, участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида 5-19 нафар аъзодан, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади.

Семинарда сайлов участкаларини жиҳозлаш, “Она ва бола” ҳамда тиббиёт хоналарини ташкил этиш, комиссиянинг самарали иш фаолияти учун зарур шарт-шароит яратиш каби масалалар муҳокама этилди. Участка сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш, сайловчилар рўйхатини тузишнинг ўзига хос хусусиятлари, овоз бериш жараёнини ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг ҳуқуқий асослари, муддатидан олдин овоз беришни ташкил қилиш сингари мавзуларда маърузалар тингланди.

Халқаро ва маҳаллий кузатувчилар, оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ишлаш, жойларда сайловчилар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, сайловнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида фикр юритилди.

Мазкур тадбир участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишга қаратилган уч босқичли семинар-тренингларнинг дастлабкиси ҳисобланади. Семинарлар эндиликда Марказий сайлов комиссияси аъзолари ҳамда экспертлари иштирокида вилоятлар ва туманларда ташкил этилади.

Тадбирда участка сайлов комиссияси фаолиятини самарали ташкил этишга бағишланган ўқув фильми намойиш этилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Б.БОЗОРОВ

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссиясининг навбатдаги йиғилишида “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан тавсия этилган округ ҳудудидаги участка сайлов комиссияларининг таркибини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

● Бухородa Жанубий Корея кино санъати фестивали бўлиб ўтмоқда. Фестиваль доирасида “Корея – Ўзбекистон дўстлиги” мавзуида расмлар танлови ўтказилди. Унда Бухоро санъат коллежи, Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернати, қатор болалар мусиқа ва санъат мактабларининг 100 дан зиёд ўқувчиси ўз истеъдодини намойиш этди.

● Навоий шаҳрида “Афруза” замонавий савдо маркази иш бошлади. Замонавий савдо марказида озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотлар савдоси йўлга қўйилган. Бинонинг иккинчи қаватида ресторан ташкил этиш режалаштирилган. Бу яна ўндан зиёд иш ўрни яратиш имконини беради.

● Гулистонда “Истиқлол ғунчалари” кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 150 дан зиёд болалар турли йўналишларда истеъдод ва салоҳиятини намойиш этди.

ЖАҲОНДА

● Филиппинга “Сарика” шиддатли тўфони хуружи сабабли 12 мингга яқин фуқаро ўз уйини тарк этишга мажбур бўлди. Табиий офат архипелаг шимолидаги йирик Русон оролига етиб келди. Ҳозирда тўфондан жабрланганлар давлат вақтинчалик жойлаштириш марказларига олиб келинди. Шу пайтгача икки киши табиий офат қурбони бўлди.

● Хитойнинг марказий қисмидаги Хубэй музофотида дунёдаги энг катта эскалатор ишга тушди. Ушбу иншоотнинг узунлиги 688 метрни ташкил қилади ва саёҳат 18 дақиқа давом этади. Эскалатор Эньши шаҳри яқинидаги дара ёнбағрида жойлашган бўлиб, соатига 7,3 минг кишига хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2016 ЙИЛНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жорий йил бошидан буён Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 3,7 миллиард долларлик 100та йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Хусусан, "Жиззах вилоятидаги цемент заводини кенгайтириш", "ЖМ Ўзбекистон" акциядорлик жамиятида "Т-250" русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш", "Талимаржон ИЭСда 450 МВт қувватли иккита буғ-газ турбинаси қуриш", "Ангрен ИЭСда кўмир кукунидан фойдаланишга мўлжалланган 150 МВт қувватли энергия блоки қуриш", "Индорама Қўқон текстиль" хорижий корхонасида йигирув корхонаси ташкил этиш (IV-босқич)", "Сирдарё вилоятидаги "Guliston Med Texnika" қўшма корхонасида стерил шприцлар ишлаб чиқариш" ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида ҳисобот даврида қарийб 22 минг лойиҳа, жумладан, саноат соҳасида 3195 корхонада янги қувватларни ишга тушириш, 162 корхонада янги фаолият турларини йўлга қўйиш, 264 корхонани модернизация қилиш ва 653 корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтиришни ўз ичига олган 4274 лойиҳа амалга оширилди.

Ушбу лойиҳаларни амалга оширишга жорий йил бошидан буён 2,65 миллиард долларлик хорижий инвестиция ва кредитлар ўзлаштирилди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11,2 фоизни ташкил қилди. Бу маблағларнинг 1,8 миллиард доллардан ортиғи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир. Натижада ўзлаштирилган инвестициялар умумий ҳажмида хорижий сармоялар улуши 21,1 фоиздан 22,3 фоизга етди.

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015 – 2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини ўртача 9,4 фоиз камайтиришга эришилди.

II. Иқтисодиётнинг рақобатдошлигини тубдан ошириш, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлашни кучайтириш, экспортда фермер хўжаликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иштирокини ҳар томонлама рағбатлантириш

Жаҳон иқтисодиётида инқироз ҳолатлари ҳамон сақланиб турган ва жаҳон бозоридаги нархлар экспорт салоҳиятига салбий таъсир кўрсатаётган бир шароитда юртимиз экспортчиларининг ташқи бозордаги ўрнини сақлаш мақсадида хорижга маҳсулот етказиб бериш ҳажмини кўпайтириш, экспорт қилинадиган маҳсулотлар тури ва географиясини диверсификациялаш экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалблаш этиш ишлари давом эттирилди.

Жорий йил бошидан буён яна 835 корхона экспорт фаолиятига жалб этилди, 246 турдаги янги маҳсулот экспорти йўлга қўйилди. Маҳаллий маҳсулотларни четга етказиш географияси 52 та янги бозорга кўпайди. Хусусан, Бирлашган Араб Амирликлари, Ливан, Иордания, Ироқ, Гана, Сенегал, Кот-д` Ивуар, Сомали, Нигерияга енгил автомобиллар, Япония, ХХР, АҚШ, Исроилга виноматериаллар ва вино-ароқ маҳсулотлари, Польша, ХХР, Туркия, Жанубий Корея, Латвия, Афғонистонга кимё маҳсулотлари, Швеция, Руминия, Болгария, Туркияга минерал ўғитлар, Беларусь, Озарбайжон, Польша ва Жанубий Кореяга спорт пойабзаллари, чарм буюмлар ва бошқа маҳсулотлар экспорт қилинди.

Бунинг самарасида шу йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, товар ва хизматлар экспорт ҳажми 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,4 фоиз ўсди. Полиэтилен, трикотаж полотно, ип газлама, фармацевтика препаратлари ва тиббиёт буюмлари, молибден, вольфрам маҳсулотлари, аммофос, кальцийлаштирилган сода, юк автомобиллари ва юқори қўшимча қийматга эга бошқа маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажми ошди.

Мамлакатимизда етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилгани, жумладан, "Ўзагроэкспорт" ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси ташкил этилгани натижасида жорий йил тўққиз ойида 543 минг тоннадан зиёд ёки 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 40,4 фоиз кўп хўл мева ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.

III. Муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш

Жорий йилнинг тўққиз ойида 2015 – 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурини амалга ошириш фаол давом эттирилди.

Жумладан, янги Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш ва Поп – Қўқон – Андижон участкасини электрлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. Самарқанд – Бухоро йўналиши бўйича юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди. 98 километрлик темир йўл участкалари қайта тикланди, 300 километрдан зиёд автомобиль йўллари реконструкция қилинди, узунлиги 1000 километрдан ортиқ хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳар, қишлоқ аҳоли пунктлари, туман марказлари ва шаҳар посёлкалари кўчалари жорий таъмирланди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси ҳаво кемалари паркини янгилаш" лойиҳасини амалга ошириш доирасида миллий авиакомпаниямиз парки дастлабки "Boeing 787-800 Dreamliner" самолёти билан тўлдирилди.

2013 – 2020 йилларда телекоммуникация технологиялари, тармоқлари ва алоқа инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг амалга оширилиши доирасида жорий йил бошидан буён замонавий технологиялардан фойдаланиш имконини берувчи 1756 километрдан зиёд кенг полосали оптик-толали тармоқлар барпо этилди ва захирага олинди. Давлат ахборот ресурслари сони 318 тага етказилди, давлат органлари ахборот тизимлари 485 тадан ошди, 290 турдаги интерфаол хизматлар жорий этилди. Шу йилнинг тўққиз ойида Ягона портал орқали 802 мингдан зиёд хизматлар кўрсатилди ва ўсиш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,9 баробарни ташкил қилди.

IV. Хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодиётда давлат иштироки улушини босқичма-босқич камайтириш

Иқтисодиётда давлат иштирокини янада камайтиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида жорий йил тўққиз ойида қиймати 313,6 миллиард сўмлик инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шарти билан 373 давлат активи хусусий мулкдорларга сотилди. Шундан 96 давлат активи қиймати 294,5 миллиард сўм ва 27,2 миллион долларлик инвестиция мажбуриятини олиш ва 7,4 мингдан ортиқ янги иш ўринларини яратиш шарти билан инвесторларга "ноль" қийматида сотилди.

45 акциядорлик жамиятида хорижий инвесторларга низом жамғармасининг 15 ва ундан кўп ҳажмдаги давлат улушлари сотилди. Бунинг самарасида низом жамғармасида давлат улушига эга акциядорлик жамиятлари сони ўтган йилнинг шу давридаги 302 тадан 183 тага тушди.

Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари дастури амалга оширилиши доирасида жорий йилнинг тўққиз ойида қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база ташкил этиш ҳамда уни такомиллаштириш ишлари давом эттирилди.

Хусусан, товарларни (ишлар, хизматлар) электрон тижорат шаклида сотишни тартибга соладиган Электрон тижоратни амалга ошириш қоидалари тасдиқланди. Қурилишнинг барча босқичларида тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомиллари доирасида ягона қоида ва талаблар белгиланди, бино ва иншоотлар ташқи кўринишини ўзгартириш, объектларни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга, шунингдек, турар жойларни нотурар жойлар тоифасига ўтказишга рухсат бериш талаблари жорий этилди. Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатлари ва чоралари кучайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилмаслик давлат сиёсатининг муҳим устувор йўналиши ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланган бу борадаги ишлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилганидан далолат беради.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва кичик корхоналар ташкил этиш мақсадида жорий йил тўққиз ойида кичик бизнес субъектларига 12,6 триллион сўмлик кредитлар ажратилди ва ўсиш 2015 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,3 баробарни ташкил қилди. Жумладан, қиймати 2,7 триллион сўмлик микрокредитлар ажратилди, халқаро молия институтларининг 185,7 миллион доллар миқдоридаги кредит линиялари ўзлаштирилди.

Жорий йилнинг тўққиз ойида "E-ijro" идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини фаол жорий этиш асосида тадбиркорлик субъектларига "Ягона дарча" марказлари орқали 75 мингдан зиёд давлат хизматлари кўрсатилди.

Хусусий тадбиркорлик субъектларининг товар ва хомашё бозорларидан фойдаланиши кенгайтирилиши туфайли Республика товар-хомашё биржасида давлат харидлари бўйича ўз товар ва хизматларини етказиб берувчи сифатида рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 12,7 фоиз кўпайди ва 41 мингдан ортиқ субъектни ёки давлат харидлари иштирокчилари умумий сонининг 97,6 фоизини ташкил қилди.

Кичик бизнес корхоналари ўз маҳсулотларини ташқи бозорга чиқаришга ёрдам бериш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар доирасида Маҳсулотлар экспортига кўмаклашиш бюроси томонидан жорий йил бошидан буён 1,1 мингдан зиёд корхонага маслаҳат хизмати кўрсатилди, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаш, аккредитация, маҳсулот экспорти, халқаро ва давлатлараро талабларни жорий этиш бўйича 40 дан ортиқ халқаро шартнома тузилди.

Қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда янада рағбатлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар шу йилнинг тўққиз ойида 23,6 мингдан ортиқ янги кичик бизнес субъектлари ташкил этиш имконини берди. Натижада ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес улуши 54,6 фоиз (2015 йилнинг тўққиз ойида бу кўрсаткич 53,6 фоиз бўлган), саноатда 43,8 фоиз (38,7 фоиз), инвестицияларда 38,3 фоиз (33,5 фоиз), чакана савдо айланмасида 89,9 фоиз (87,3 фоиз) ва бандликда 77,8 фоиз (77,5 фоиз) ошди.

V. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги ва самарадорлигини янада ошириш, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш учун экин майдонларини кенгайтиришга қаратилган 2016 – 2020 йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотларини ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 6,4 фоиз ошириш имконини берди.

2016 йилнинг тўққиз ойида пахта майдонларини 30,5 минг гектарга қисқартириш ва бўшаган ерларга ички ҳамда ташқи бозорда талаб юқори бўлган мева-сабзавотлар экиш ҳисобидан экин майдонлари тузилмаси оптималлаштирилди. Бундан ташқари, 8,2 минг гектар майдонда янги интенсив боғлар, 5,2 минг гектарда токзорлар ташкил этилди. 6 минг гектар майдондаги боғлар ва 3,5 минг гектардаги токзор қайта тикланди. 532 гектар майдонда 9,9 мингта замонавий иссиқхона барпо этилди.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг унумдорлигини янада ошириш мақсадида 2013 – 2017 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш давлат дастурини амалга ошириш доирасида шу йилнинг тўққиз ойида узунлиги 734,6 километрлик коллектор, 229 километр ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 846 та қудуқ, 50 та гидротехник иншоот ва 7 насос станцияси барпо этилди ва реконструкция қилинди.

2016 – 2020 йилларда мева-сабзавотларни сақлаш бўйича моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш доирасида "Ўзбекозиқовқатзахира" уюшмасининг ҳудудий компаниялари, фермер хўжаликлари ва бошқа корхоналар томонидан 64,6 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш учун 164 янги совутиш камераси ташкил этилди.

Шу йилнинг ўтган даврида мураккаб об-ҳаво шароитларига қарамасдан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мўл қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилди ва йиғиб олинди. Жумладан, 2,3 миллион тонна картошка, 8,2 миллион тонна сабзавот, 1,5 миллион тонна полиз маҳсулотлари, 1,2 миллион тоннадан ортиқ узум, 2 миллион тонна мева ва резаворлар тайёрланди.

Жорий йил бошидан буён чорвачилик сектори салоҳиятини янада ошириш мақсадида тижорат банкларининг қиймати 380 миллиард сўмдан зиёд кредитлари ҳисобидан қорамол боқиш, паррандачилик, асаларичилик хўжаликларини ривожлантириш ва балиқ етиштиришни кўпайтириш бўйича 5,2 мингта лойиҳа амалга оширилди.

Натижада шу йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, қорамоллар умумий сони 11,6 миллион бошга (ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 103,4 фоиз) етди, тўққиз ой давомида 1,6 миллион тонна гўшт (106,6 фоиз), 6,9 миллион тонна сут (106,9 фоиз), 4,5 миллиард донадан ортиқ тухум (110,8 фоиз) ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди.

VI. Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳоли ҳаёт даражаси ва сифатини янада юксалтириш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини амалга ошириш

Таълим ва тиббий хизматлар сифатини янада яхшилашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш, уларни зарур инвентарлар билан жиҳозлаш учун йил бошидан буён қиймати 919,5 миллиард сўмлик капитал қўйилма ўзлаштирилди.

Бюджетдан ташқари Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан олий таълим муассасалари объектларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш учун 201,3 миллиард сўм ўзлаштирилди. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан спорт иншоотлари қуриш ва реконструкция қилиш бўйича қиймати 285,5 миллиард сўмлик ишлар бажарилди.

Умуман, жорий йил бошидан буён 86,3 минг ўқувчига мўлжалланган 236 умумтаълим мактаби, 1,1 минг ўқувчига мўлжалланган 2 академик лицей, 2,3 минг ўқувчига мўлжалланган 21 касб-ҳунар коллежи, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари учун 550 ўринли 4 ётоқхона, 24 тиббиёт муассасаси, 15 мусиқа ва санъат мактаби, 232 болалар спорти иншооти ва бошқа объектлар барпо этилди.

Аҳоли турмуш сифатини янада яхшилаш мақсадида ҳисобот даврида янги қишлоқ массивларида замонавий лойиҳалар асосида 12 мингдан ортиқ якка тартибдаги шинам уйлар фойдаланишга топширилди.

Барпо этилаётган қишлоқ уй-жой массивларида 453 километрлик сув таъминоти тармоғи, 256 километрлик газ, 323 километрлик электр тармоқлари тортилди, 283 трансформатор нимстанцияси ўрнатилди.

Умуман олганда, жорий йил бошидан буён мамлакатимизда 10,1 миллион квадрат метр, жумладан, қишлоқ жойларда 7,6 миллион квадрат метр уй-жойлар, 1,6 минг километрдан зиёд, хусусан, қишлоқ жойларда 1,3 минг километр сув таъминоти тармоқлари бунёд этилди.

Аҳоли даромадлари, ҳаёт даражаси ва сифатини муттасил оширишни таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши жорий йил бошидан буён ўртача ойлик иш ҳақини 12,6 фоиз ошириш имконини берди. Шу йилнинг 1 октябридан бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдори яна 15 фоиз кўпайди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш доирасида 2016 йилнинг тўққиз ойида оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, мустаҳкам, соғлом ва аҳил оилани шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органлари ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш ишлари амалга оширилди. Бу ишларни молиялаштириш учун барча манба ҳисобидан 6,8 триллиондан ортиқ сўм ва 150 миллион доллар йўналтирилди.

Жорий йил бошидан буён оила қураётган ёшларни тиббий кўрикдан ўтказиш, болаларни 12 та бошқариладиган инфекцияга қарши профилактик эмлаш, ҳомиладор аёлларни скрининг текширувидан ўтказиш, уларни поливитамин билан бепул таъминлашга доир фаол ишлар олиб борилди.

2016 йилнинг тўққиз ойида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари мамлакатимизни ислоҳ этиш, модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган ва ислоҳотларни амалга оширишнинг бош машҳур тамойилига асосланган стратегияни мақсадли ҳамда тизимли амалга ошириш самарасида глобал иқтисодий ривожланиш суръатлари сусайгани ва жаҳон бозорида конъюнктура ёмонлашувига қарамай, Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ҳамда юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланаётганидан далолат беради.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов мустақиллигимизнинг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига мурожаатида таъкидлаганидек, "...биз эришаётган улкан марра ва натижалар кўзлаган мақсадларимизнинг фақат маълум бир қисмини ташкил этади". Шу боис жорий ва келгуси йилларда демократик янгиланиш бўйича бошланган ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, хусусий мулк улушини ошириш ва унинг устуворлигини таъминлаш, мамлакатимизда аҳолининг тадбиркорлик даромадини муттасил кўпайтириш учун зарур шароитлар яратиш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш иқтисодий сиёсатнинг энг муҳим вазифасидир.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

МИЛЛАТНИ БИРЛАШТИРУВЧИ КУЧ

(Давоми. Боши 1-бетда)

1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг бемисл шижоати ва жасорати билан "Давлат тили ҳақида"ги қонун қабул қилинди. Қонуннинг моддалари ўтиш даври учун хос бўлган вазифаларни ифода этган эди. Қисқа вақт ичида бу вазифалар бажарилди ва 1995 йил 21 декабрь куни "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида"ги қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Бу билан давлат тилига доир сиёсий, ижтимоий, маънавий тараққиёт талаблари, она тилимизни янада ривожлантириш вазифалари ўзининг ҳуқуқий асосига эга бўлди.

Бу жараён осонлик билан юзага келгани йўқ, албатта. Бир гуруҳ кишилар эски қуюшқондан чиқиб кетолмай, яна кимлардир қандайдир хом ниятлар билан икки тиллилик ғоясини илгари сурмоқчи бўлди. Шундай пайтда Буюк Йўлбошчимиз жасорат билан фақат ўзбек тили давлат тили бўлиши кераклигини асослаб берди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида таъкидлаганидек, ўзбек тили мустақил давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси, Конституцияси қаторида турадиган, қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас тимсолларидан бирига айланди.

Бу нуқтаи назар она тилимизнинг мақоми давлат сиёсати даражасида турганини кўрсатади.

Шиддат билан ривожланаётган бугунги замонда дунёдаги барча халқлар ҳам расмий тилига эга эмас. Мутахассисларнинг сўзларига кўра, вақт ўтган сари цивилизация, "оммавий маданият" туфайли кўп миллатларнинг тили ўз ўрнини йўқотиб, ҳатто буткул унутилиб бораётгани кузатилмоқда.

Шундай шароитда ўзбек тилининг халқаро миқёсда обрўси ошиб, фаол мулоқот воситасига айланаётгани, албатта, қувонарлидир. Хусусан, турли даражадаги расмий учрашув ва суҳбатлар, музокараларда тилимизнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортаётгани, нуфузли халқаро анжуманлар ва бошқа тадбирларда ўзбекона калом янграши, хориждаги қатор таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тилини ўрганиш марказлари ташкил этилаётгани, ўзбек тилини ўрганувчилар, унга қизиқувчилар ортиб бораётгани барчамизга фахр-ифтихор бағишлайди.

Абу Бакир ЎРОЗОВ,
ЎзА шарҳловчиси

Сайлов – 2016

ВАТАН КЕЛАЖАГИГА ДАҲЛДОРЛИК ҲИССИ

1-Тошкент юридик коллежида бугунги кунда 1640 нафар талаба таҳсил олади, уларнинг 450 дан ортиғини 3-босқич талабалари ташкил этади. Шу йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 18 ёшга тўлган ёшлар илк бор иштирок этади.



Шу муносабат билан мазкур коллежда тадбир бўлиб ўтди.

Адлия вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Республика Маънавият тарғибот маркази ва Тошкент юридик коллежи билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбир Конституция – инсоният тафаккури ва маърифий тараққиёти ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг ҳосиласи, жамият маданий тараққиётининг муайян даражаси, ҳуқуқий маданият кўзгуси, маданий алоқалар ва қоидалар тизимида алоҳида маънавий ҳамда ижтимоий қадрият тарзида намоён бўлганлигини ўрганишга бағишланди.

Давра суҳбатида сайловлар демократия кўзгуси эканлиги, унда иштирок этиш ҳар бир онгли фуқаронинг Конституцион бурчи эканлиги таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси, юридик фанлари доктори Феруза Муҳиддинова бугунги ёшларни Ўзбекистон Республикасининг бахтли ёшлари эканлиги, уларнинг таълим олиши учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилганини, бу имкониятлардан унумли фойдаланиб, юксак чўққиларни эгаллаш ёшларнинг вазифаси эканлигига эътиборни қаратди.

Конституциямизнинг 41-моддасида "Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир", деб белгилаб қўйилган, 36-моддада "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли" эканлиги таъкидланади.

– Бош Қомусимизда Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгалиги белгилаб берилган, – дейди 1-Тошкент юридик коллежи Конституциявий-ҳуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси Гулбаҳор Мақсудова. – 4 декабрда бўлиб ўтадиган Президент сайловида коллежимиздан 18 ёшга тўлган ўқувчилар илк бор иштирок этади. Шундай экан, уларга сайлов тизими, қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида тушунча беришни ўзимизнинг вазифамиз деб билдик.

З.ШАРИФЖОНОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДЕПУТАТЛАР ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

20 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг мажлисларида вазирликлар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида дастлабки тарзда муҳокама қилинган эди.

Депутатлар ўз ишларини Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи тартибида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритилган **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилишдан бошладилар.

Таъкидландики, Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлабоқ демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча соҳасида ислоҳотлар ўтказиш йўлидан борди.

Муҳокама чоғида шу нарса алоҳида таъкидландики, қонун лойиҳаси муҳим ва ўз вақтида қабул қилинаётган бўлиб, у коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни кенг кўламда қонун йўли билан тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларининг самарадорлигини оширишга, шунингдек, жамият ҳаётининг барча соҳасида бундай ҳолатга тўлиқ барҳам беришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали коррупциянинг барча кўринишига нисбатан муросасизлик муҳитини яратишга қаратилгандир.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатни муҳокама қилиш чоғида сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикрларини билдирдилар.

Чунончи, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал-демократик партияси аъзолари қонун лойиҳасини маъқуллаб, шуни алоҳида таъкидладиларки, қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашда қўшимча ҳуқуқий кафолатлар яратади, хусусий мулк ҳуқуқини ғайриқонуний тажовузлардан, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувдан ҳимоялашга, охир-оқибатда ишбилармонлик муҳитининг ва мамлакатимиз инвестиция жозибадорлигининг ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси аъзолари ушбу қонун лойиҳасининг долзарблиги ва ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини алоҳида таъкидладилар. Мазкур ҳужжатда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг асосий принциплари ва йўналишлари, ваколатли органлар тизими мустаҳкамлаб қўйилган, коррупцияга қарши курашишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, фуқаролик жамияти институтларининг, оммавий ахборот воситаларининг иштироки назарда тутилган.

Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида яна бир амалий қадам бўлади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаб, шуни таъкидладиларки, Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясини ташкил этиш ҳамда унинг таркибига тадбиркорлар жамоат бирлашмаларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакилларини киритиш коррупцияга қарши курашиш субъектларининг фаолияти мувофиқлаштирилишини, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги кучайтирилишини таъминлашга қаратилгандир.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари ушбу қонун лойиҳасини қўллаб-қувватлаб, бошқарув фаолияти соҳасидаги коррупция ҳолатлари фуқароларнинг ҳуқуқлари амалга оширилишига тўсқинлик қилишга сабаб бўлувчи омиллардан бири эканлигига эътиборни қаратдилар. Шу туфайли ҳам Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи томонидан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасининг киритилиши давлат томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида кўрилаётган чора-тадбирларнинг аниқлигидан далолат эканлигини тасдиқлайди. Мазкур қонуннинг амалга оширилиши халқаро ҳуқуқ нормаларига риоя этилишини бундан буён ҳам таъминлашга хизмат қилади ва мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини оширади.

Парламент қуйи палатаси депутатлари ўз ишларини **“Маъмурий қамоқни ўташ тартиби тўғрисида”**ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилиш билан давом эттирдилар.

Депутатлар қайд этганидек, қонун лойиҳаси маъмурий қамоққа олинган шахслар сақланадиган махсус қабулхоналарнинг ҳуқуқий мақоми, уларни қабул қилиш, сақлаш ҳамда озод қилиш тартиби, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, интизомий жазо чоралари ҳамда маъмурий қамоқни амалга оширишга тааллуқли бошқа қоидаларни назарда тутади.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши ҳибсга олинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатларини мустаҳкамлашга, маъмурий қамоқ жазосини ўташнинг ягона амалиётини таъминлашга, ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ҳамда ушбу тизим ходимларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Мунозаралар якунларига кўра, депутатлар ушбу қонун лойиҳаларини концептуал жиҳатдан маъқуллаб, биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Масъул қўмиталарга келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда мазкур ҳужжатларни иккинчи ўқишда кўриб чиқиш учун тайёрлаш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот хизмати

ЕТУК МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Бугун мамлакатимизда ёшларни юксак маънавиятли, интеллектуал жиҳатдан юқори салоҳиятга эга, жисмонан соғлом этиб ўстириш, миллий урф-одат ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашга устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

